

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМий-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КАРИМОВА ДИЛДОРА КАМИЛОВНА**

**СУРУНКАЛИ ГАСТРИТЛАРДА ОШҚОЗОН ШИЛЛИҚ ҚАВАТИДА  
АТРОФИК ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-  
ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Каримова Дилдора Камиловна**

Сурункали гастритларда ошқозон шиллик қаватида  
атрофик жараёнлар ривожланишининг молекуляр –  
генетик механизмлари..... 5

**Каримова Дилдора Камиловна**

Молекулярно – генетические механизмы развития  
атрофических процессов в слизистой оболочки  
желудка при хронических гастритах..... 19

**Karimova Dildora Kamilovna**

Molecular – genetic mechanisms development  
of atrophic processes in the gastric mucosa  
in chronic gastritis..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ  
РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**КАРИМОВА ДИЛДОРА КАМИЛОВНА**

**СУРУНКАЛИ ГАСТРИТЛАРДА ОШҚОЗОН ШИЛЛИҚ ҚАВАТИДА  
АТРОФИК ЖАРАЁНЛАР РИВОЖЛАНИШИНИНГ МОЛЕКУЛЯР-  
ГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1653 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослашган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Собирова Гузал Наимовна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳамраев Абдор Асрарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Гильдиева Маргарита Сабировна**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.Л. Аляви**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Замонавий тиббиёт, жумладан гастроэнтерология ҳам турли касалликларни даволаш ва ташхислаш бўйича протоколлар яратиш ёрдамида такомиллашмоқда. Маълумки, сурункали гастрит ва ошқозон – ичак тизимининг *Helicobacter pylori* (HP) билан боғлиқ касалликлари Маастрихт консенсуси (2005-2022) ва Киото протоколларига (2015) мувофиқ тартибга солинади. Ушбу келишув ҳужжатларининг асосий таърифига, хусусан, Маастрихт протоколларига (2022) кўра, HP инфекцияси ошқозон яра касаллиги, ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги ва сурункали гастритнинг (СГ) катта фоизида, шунингдек ошқозон саратонида ҳам асосий этиологик омил ҳисобланади. Марказий Осиё ҳудудида, хусусан Ўзбекистон учун ҳам бу муаммо қатор объектив сабабларга кўра жуда долзарб ҳисобланади. Биринчидан бизнинг республикамиз, аҳолининг HP билан инфицирланиш даражаси юқори бўлган ҳудудлар гуруҳига киримиз (70% гача аҳоли). Иккинчидан El-Omar Gut. (2001) Pandolfino (2004) маълумотларига кўра шарқий популяцияда Европа ва Америка популяцияларига нисбатан Cag+ (cytotoxin-associated gene) HP штамлари кўпроқ тарқалганлиги сабаб ошқозон аденокарциномаси шаклланишига мойиллик юқори.

Жаҳон миқёсида ошқозон шиллиқ қаватида (ОШҚ) атрофик жараёнлар ривожланишининг молекуляр – генетик механизларини таҳлил қилиш, эрта ташхис қўйиш йўллари ва даволашнинг самарали усулларини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Турли олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, HP билан боғлиқ СГ муаммосини ҳал қилишнинг истиқболли усулларидан бири бу ошқозон шиллиқ қаватида атрофик, мета- ва диспластик омиллар каскадининг кўзгатувчиси бўлган HP нинг энг муҳим генетик маркерларини аниқлашдир. Бироқ, бу муаммо ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва адабиётларда турли муҳокамалар олиб борилмоқда. Маастрихт VI нинг якуний ҳужжатлари шуни кўрсатадики, ошқозон саратони хавфи ва унинг ривожланишини баҳолаш учун генетик ҳамда эпигенетик маркерлардан фойдаланмасдан бугунги кунда аниқ тавсиялар бериш мумкин эмас ва бу муаммо кўшимча тадқиқотларни талаб қилади. Шунинг учун HP билан боғлиқ касалликлар канцерогенези патогенезида HP генетик полиморфизмини янада чуқурроқ ўрганиш, ошқозонда атрофик ўзгаришлар шаклланишини баҳолаш, эрта ташхис қўйиш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни даволаш усулларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикамизда ҳозирги кунда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, уни жаҳон андозалари талабларига мослаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, турли соматик касалликлар диагностикаси, уларни олдини олиш ва даволаш бўйича қатор вазифалар белгилаб олинди. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларга эрта ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологияли усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб – қувватлаш ҳамда касалликларнинг олдини олиш ва самарали диагностика...»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

зиммасига юкланмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш билан бирга, ошқозон – ичак тизимининг НР билан боғлиқ касалликларини, жумладан, сурункали гастритни аниқлаш ва даволаш тамойилларини ишлаб чиқиши беморларга ҳаёт сифатини ошириш, эрта ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022-2026-йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли ҳамда «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора – тадбирлар тўғрисида»ги 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармонларида белгиланган муаммоларни ҳал этиш ҳамда 2021-йил 25-майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5124-сон қарори ва бошқа ушбу фаолият билан боғлиқ меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** НР билан боғлиқ касалликларни ташҳислаш ва даволаш масалаларининг долзарблиги, биринчи навбатда, аҳоли орасида ушбу инфекциянинг кенг тарқалганлиги билан белгиланади. XXI аср бошида НР энг кенг тарқалган одам инфекциялари қаторига кириб, Осиё ва Африка ривожланаётган мамлакатларининг 80-90% аҳолисида, Шарқий Европа, Жанубий Американинг 40-70% аҳолисида, Европа ва Шимолий Америка ривожланган мамлакатларининг 25-30% аҳолисида учраган (Маев И.В., 2012).

Охириги 20 йил ичида бутун дунёда саратон олди касалликларининг предикторларини ўрганиш учун бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Ҳатаока Ҳ. ва ҳаммуаллифлари (2011) томонидан олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатдики, ошқозон саратони билан касалланиш Шарқий Осиёда ва Жанубий Американинг баъзи мамлакатларида, масалан, асосан CagA штаммлари айланиб юрадиган Колумбия ва Перуда ҳам юқори. Бироқ, такрорий ЕРІҲА-С сегментининг пайдо бўлиш сониини қиёсий ўрганишда, иккита ЕРІҲА-С сегменти Колумбия НР изолятларининг 57%ида борлиги ва ошқозон саратони билан касалланиш даражаси энг паст кўрсаткичлардан бири бўлган АҚШ изолятларининг атиги 4%ида борлиги аниқланди. Бошқа бир тадқиқот НР штаммларида CagA ЕРІҲА ўзгаришларининг борлиги ОШҚ да касалликлар ривожланишига олиб келадими ёки йўқлигини текширди. Ушбу тадқиқот 157 та НР мусбат беморларни ўз ичига олди, улардан 40,8% (64/157) CagA-мусбат штаммлари билан касалланган, улар CagA ЕРІҲА-ABC, ЕРІҲА-ABCC ва ЕРІҲА-ABCCСС борлигига таҳлил қилинган. Пептик яралар CagA ЕРІҲА-ABCC/ABCCСС ни ўз ичига олган штаммлари билан касалланган беморларда CagA ЕРІҲА ABC штаммлари бўлган беморларга қараганда ишончли тарзда кўпроқ учраган (P=0,044). Хулоса сифатида, НР билан касалланган беморларга терапевтик аралашув тўғрисида

қарор қабул қилишда CagA генлари кетма-кетлигини баҳолашнинг аҳамияти ва фойдалилигини таъкидлаб, ЕРІҲА-С ни такрорланиш сони гастродуоденал касалликларни ривожланишига таъсир кўрсатиши таъкидланган.

2015-2018 йилларда «Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий – амалий тиббиёт маркази» давлат муассасасида «Минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ошқозон – ичак тизимининг хеликобактер билан боғлиқ касалликларини ташхислаш, даволаш ва асоратларни олдини олиш стратегиясини оптималлаштириш» мавзули АДСС 15.15.4 лойиҳаси доирасида тадқиқот ўтказилган. Бу тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон аҳолиси орасида НР билан инфицирланиш ўртача 72% ни ташкил қилиши аниқланган. Шу билан бирга, СГ таркибида НР билан боғлиқ гастрит (СГ В) улуши 75%ни ташкил этиши аниқланди. В типидagi СГ билан оғриган беморларда, VacA s1m1 (vacuolization cytotoxin) ва VacA s2m2 аллеллари бўйича аралаш CagA-мусбат штаммларининг ассоциацияси кўпчилик беморларда кузатилган. Шунингдек, GLOBOCAN, IARC маълумотларига кўра, 2018 йил учун ошқозон саратони учраш сони бўйича дунёда олтинчи ўринда турса, Ўзбекистонда эса ошқозон саратони сут беzi саратонидан кейин иккинчи ўринда туриши яна бир хавотирли далилдир.

Шундай қилиб, юқоридаги маълумотлар ошқозон ичак тизимининг НР билан боғлиқ касалликлари муаммосини ҳал қилиш учун минтақамизда ушбу инфекциянинг генетик полиморфизми хусусиятларини ўрганишнинг ўта долзарблигини кўрсатади. Популяцияда ЕРІҲА-С сегментининг тарқалиши ошқозон саратони тарқалишида географик фарқлар мавжудлигини тушунтириб берувчи омиллардан бири бўлиши мумкин.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот иши режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти «Хеликобактер билан ассоцирланган ошқозон ичак тракти касалликларида ошқозонда атрофик, мета- ва диспластик жараёнларнинг ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш технологияларини такомиллаштириш» мавзули ПЗ-2017092379 амалий лойиҳаси (2018-2020 й.) доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** НР билан боғлиқ сурункали ноатрофик ва атрофик гастрит билан оғриган беморларда ушбу инфекциянинг CagA мусбат штаммларининг ЕРІҲА мотивлари ассоциациясини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

CagA генининг ЕРІҲА АВ, АВС, АВСС, АВССС мотивлари комбинациясига қараб сурункали НР билан боғлиқ гастрит кечишининг клиник хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

сурункали гастрит билан оғриган беморларда атрофик гастрит учраш сонини ЕРІҲА АВ, АВС, АВСС, АВССС мотивлари билан қиёсий солиштириб ўрганиш;

НР инфекцияси CagA генининг ЕРІҲА АВ, АВС, АВСС, АВССС мотивларини беморларда ўтказилаётган кислотасупрессиясига таъсирини ўрганиш;

сурункали гастритли беморларда эрадикацион даволашнинг самарадорлигини ЕРІҲА АВ, АВС, АВСС, АВССС мотивларига боғлиқлигини аниқлаш;

сурункали НР билан ассоцияланган гастритларда эрадикацион даволашнинг НР инфекция ЕРІУА мотивларининг полиморфлигини аниқлашга асосланган ташхис ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объектини** 2018 йилдан 2020 йил оралиғида Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлимида шифохона ва амбулатор даволаниш курсини ўтган, сурункали ноатрофик ва атрофик НР билан боғлиқ В типдаги гастрит ташхиси тасдиқланган 130 нафар бемор, шунингдек, назорат гуруҳи сифатида диагностик мақсадда текширилган ва соғлом деб топилган 40 кишининг текширув натижалари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник – биокимёвий, генетик текширувлар ўтказиш учун беморлар қон зардоби ва нажас намунаси, ошқозон шиллиқ қаватидан биоптатлар олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотни бажаришда умумклиник, клиник-биокимёвий ва генетик текшириш усуллари, шунингдек инструментал ( $C^{14}$  уреазали нафас синамаси, эзофагофиброгастроуденоскопия (ЭФГДС)), статистик текширув усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагидан иборат:

илк маротаба сурункали НР билан боғлиқ гастрит билан оғриган беморларда *SagA* мусбат НР штамлари ассоциацияси баҳоланган;

ЕРІУА С мотивларининг мавжудлиги ва НР штамларининг *Sag-ABC-ABCCS* комбинацияси, ҳамда, сурункали НР билан боғлиқ гастритнинг атрофик шакллари ўртасида бевосита боғлиқлик аниқланган;

сурункали гастрит билан оғриган беморларда ЕРІУА С мотивлари ва НР штамларининг *Sag-ABC-ABCCS* комбинацияси ва эрадикацион терапия самарадорлиги кўрсаткичи ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган;

сурункали гастрит билан оғриган беморларда атрофик гастрит даражасига қараб, эрадикацион терапия самарадорлигини оширишга имкон берувчи даво такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

НР билан боғлиқ СГ билан оғриган беморларнинг ошқозон шиллиқ қаватини атрофик жараён даражаси бўйича комплекс текширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

НР билан боғлиқ СГ атрофик шакллари бўлган беморларда ЕРІУА С мотивларини ва НР штамларининг *Sag-ABC-ABCCS* комбинациясини аниқлашнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган;

эрадикацион терапия (ЭТ) самарадорлигини ошириш мақсадида НР билан боғлиқ СГ билан оғриган беморларни кузатишнинг мувофиқлаштирилган алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда назарий ёндошувлар ва усулларни тўғри қўлланиши, ўтказилган текширувларнинг аниқлиги, танланган сурункали гастрит билан оғриган беморларнинг етарли миқдори, клиник, генетик, диагностик, инструментал олинган маълумотларга замонавий статистик усулларни қўллаш, олинган натижаларни халқаро ва

маҳаллий тадқиқотлар билан оқилона таққослаш ва баҳолаш, шунингдек, назарий ҳамда амалий тадқиқотларнинг етарлилиги ва амалиётга тадбиқ қилиниши мумкинлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти СГ билан оғриган беморларда НР инфекциясининг вирулентлик омилларини ўрганиш учун генетик усулларни қўллаш чегараларини кенгайтириш, ошқозон аденокарциномаси ривожланиш хавфини оширадиган сурункали гастритнинг атрофик, метапластик ва диспластик шакллари юзага келиши учун хавф омиллари бўлган беморларнинг маълумотлар базасини яратишга имкон бериб, касалликнинг кечишини башорат қилишнинг диагностик усулларини ишлаб чиқиш учун асос яратиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ОШҚ да ривожланиб боровчи органик ўзгаришларнинг шаклланишига триггер ҳисобланувчи Саg А генининг ЕР1УА С мотивлари аниқланган бўлиб, бу касалликнинг кучайишига ва асоратлар ривожланишига тўсқинлик қилиш имконини берадиган эрта ташхис қўйиш ва даволаш зарурлигини кўрсатади, ҳамда, келажакда атрофик ва мос равишда метапластик ва диспластик жараёнлар ривожланишнинг патогенетик механизмларига самарали таъсир қилиш учун эрадикацион терапиянинг самарадорлигини оширадиган оптималлаштирилган алгоритмдан фойдаланиш кераклиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Сурункали гастритларда ошқозон шиллик қаватида атрофик жараёнлар ривожланишининг молекуляр – генетик механизмларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 22.02.2023 йилдаги 43-І-сонли буйруқ, Қашқадарё кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.03.2023 йилдаги 44/3 - сонли буйруқ, Тошкент Тиббиёт Академияси кўп тармоқли клиникаси бўйича 26.06.2023 йилдаги 65-сонли буйруқ, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий амалий тиббиёт маркази бўйича 27.07.2023 йилдаги 46-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган.

Илк маротаба сурункали НР билан боғлиқ гастрит билан оғриган беморларда СаgА штамлари ассоциацияси ўрганилиб, сурункали гастрит касаллигини эрта ташхислаш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига ўртача 640000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

НР штамларининг ЕР1УА С мотивларининг мавжудлиги ва сурункали НР билан боғлиқ гастритнинг атрофик шакллари ўртасида бевосита боғлиқлик аниқланиши ихтисослашган шифохоналарни жалб қилмасдан бирламчи бўғинда эрта муддатларда даволаш ва профилактика чораларини режалаштириш имконини берди. Бу беморларнинг даволанишини назорат қилиш касалликнинг оғирлашишини олдини олиш, касалхонага ётқизмаслик имконини берган;

СГ билан оғриган беморларда НР штамларининг ЕР1УА С мотивларини ҳисобга олган ҳолда даволаш режасини тузиш, касаллик асоратлари ривожланишини олдини олишга ва шифохонада даволаниш муддатини қисқартириш ҳисобига 310 000 сўм иқтисод қилишга имкон беради;

СГ билан оғриган беморларда атрофик гастрит даражасига қараб, эрадикацион терапия самарадорлигини оширишга имкон берувчи, оптималлаштирилган эрадикацион терапия алгоритми ишлаб чиқилиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 300 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 150 000 сўмга иқтисод қилиш имконини беради.

Каримова Дилдора Камиловнанинг «Сурункали гастритларда ошқозон шиллиқ қаватида атрофик жараёнлар ривожланишининг молекуляр – генетик механизмлари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий – амалий тиббиёт маркази Эксперт кенгашининг 2023 йил 28 июлдаги 02/90 -сонли хулосаси олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, шу ўринда 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 107 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Тадқиқотнинг **кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотларнинг республикада илм ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти яққол очиб берилган. Тадқиқотдан олинган натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ қилиш бўйича маълумотлар, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Сурункали гастрит муаммоси ҳақида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. СГ клиник ва патогенетик жиҳатлари тўғрисида, НР инфекциясининг тарқалиши ва эпидемиологик хусусиятлари ҳақида замонавий маълумотлар келтирилган. НР нинг СГ ривожланишидаги аҳамияти ва унинг генетикасининг ўзига хос жиҳатлари кенг ёритиб берилган. НР нинг Саg А оқсилли ва унинг полиморфизмларини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилди. Сурункали атрофик гастрит диагностикасининг амалиётдаги камчиликлари ва муаммоларига эътибор қаратилиб, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини чуқур ўрганиш зарурлиги асосланди.

Диссертациянинг «Тадқиқот материали ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, клиник материал умумий тавсифи ва лаборатор, инструментал, статистик тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида 2018- 2020 йилларда Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази гастроэнтерология бўлимида шифохона ва амбулатор даволаниш курсини ўтган НР билан асоцирланган СГ билан касалланган 130 бемор ва жинси ва ёши жиҳатидан асосий гуруҳга мос келадиган, анамнезида ошқозон-ичак тизими касалликлари бўлмаган ва ЭФГДС пайтида ОШҚ ўзгаришсиз сифатида баҳоланган 40 нафар кўнгилли кишилар назорат гуруҳи сифатида олинган.

Беморларнинг ёши 35-70 ёшгача оралиқда бўлган. Уларнинг 71 (55%) таси сурункали атрофик гастрит (САГ) (ўртача ёш  $55,3 \pm 1,1$  ёш) ва 59 (45%) таси – сурункали ноатрофик гастрит (СНГ) (ўртача ёш  $51,7 \pm 0,8$  ёш) билан. Сурункали гастрит билан оғриган беморлар орасида эркаклар ва аёллар нисбати 40,7% ва 59,3% ни ташкил этган.

Беморларни текшириш умумий кўрув, шикоятларни баҳолашни, анамнезга оид маълумотларни тўплашни ўз ичига олган. Барча беморлар умумий клиник ва биокимёвий лаборатор текширувларнинг стандарт тўпламидан ўтдилар: умумий қон текшируви, умумий сийдик текшируви, биокимёвий қон текшируви (билирубин, аланин аминотрансфераза, аспартат аминотрансфераза). Шу билан бир қаторда, барча беморлардан генетик полимераз занжир реакция (ПЗР) таҳлили учун ахлат анализи олинган. Ушбу юқоридаги тадқиқотлардан ташқари, қўйилган вазифаларга мувофиқ 14 С нафас синамаси, ҳамда ЭФГДС текшируви билан биопсиялар олиниб, тез уреaza тести ўтказилган, сўнгра OLGA (Operative Link for Gastritis Assessment) тизимидан фойдаланган ҳолда биоптатлар гистологик ўрганилган.

Барча (130) беморларга НР ни ЭТ курси ўтказилган: висмут препаратлари билан квадротерапия (протон помпа ингибиторлари (ППИ) иккиланган дозада ва амоксициллин (1000 мг 2 маҳал кунига), кларитромицин (500 мг 2 маҳал кунига) билан бирга, висмут трикалий дицитрат 120 мг 4 маҳал кунига ёки 240 мг 2 маҳал) 10 кун давомида.

14С нафас тести HUBT-20P Helicobacter pylori detector аппаратида ўтказилди. ЭФГДС «Olympus» (Япония) фирмасининг GIF-PQ-20 эндоскопик ускунаси ёрдамида амалга оширилди. Ошқозон ширасини кислоталилигини микропроцессорли ацидогастрометр «АГМ-03» (Исток система, Россия) ёрдамида аниқланди. Тез уреaza тести «ASAN Helicobacter Test» (ASAN PHARM CO.LTD, Жанубий Корея) планшетлари ёрдамида амалга оширилди. ОШҚнинг биопсия материаллини баҳолаш OLGA халқаро таснифлаш тизими томонидан амалга оширилди.

Генетик текширувлар Илғор технологиялар марказида амалга оширилди. 130 нафар гастрит ташхиси қўйилган беморлар ва 40 нафар соғлом инсонлар нажасидан QIAamp Power Fecal Pro DNA Kit (Qiagen) реагентлар тўплами ёрдамида протокол асосида ДНК (одам ва бактерия) ажратиб олинди. НР бактериясининг уреaza (ureC) ва CagA генлари бўйича ПЗРни ўтказишда GenePакTM PCR Core лиофилланган реагентлар тўпламидан (ООО «ИзоГен

Лабораторияси” Россия) фойдаланилди. CagA генини нуклеотидлар кетма-кетлигини CodonCode Aligner, BioEdit, SnapGene Viewer 5.3.1 дастурида ўқилди, нуклеотидлар кетма-кетлигини NCBI Nucleotide BLAST маълумотлар базасига таққосланди ва MEGA4, SnapGene дастурлари ёрдамида таҳлил қилинди. Олинган натижалар «Doctor stat», Openepi дастурларида статистик таҳлил қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби **«НР билан боғлиқ сурункали гастритли беморларнинг клиник, лаборатор ва инструментал текширув кўрсаткичлари»** деб номланиб, ушбу бобда НР билан боғлиқ СГ клиникасида абдоминал оғриқли, диспепсик ва эндоскопик кўринишларни ўрганиш бўйича маълумотлар, ошқозоннинг трансэндоскопик рН метрия ва морфологик текширувлар натижалари, НР инфекцияга бевосита ва билвосита текширув натижалари даволанишгача бўлган даврда келтирилган.


Кузатувлар шуни кўрсатдики, беморларда касаллик кучайиш даврида СГ нинг асосий клиник кўриниши абдоминал – оғриқли синдром ва камроқ даражада диспепсик синдром билан намоён бўлган. САГ ва СНГ гуруҳидаги текширган беморларимизда клиник симптоматика яққоллигини статистик жиҳатдан солиштириш мумкин эди. СГ нинг эндоскопик кўринишлари барча беморларда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватининг гиперемияси, антрал гастритнинг борлиги, баъзи беморларда ошқозон шиллиқ қаватининг субатрофия ва атрофияси суръати мавжудлиги билан намоён бўлди.

СНГ билан касалланган беморларда умумий клиник кўрсаткичлар ва қон биокимёвий текширув натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, умумий қон таҳлили норматив кўрсаткичларга мос келади. САГ билан оғриган беморларда умумий қон текшируви камқонликка мойиллигини кўрсатди.

Тадақиқотга НР га камида иккита мусбат тест натижаси бўлган СГ ли беморлар киритилди.

Биопсия материаллари OLGA-2008 тизими бўйича текширилганда 59 та беморда ноатрофик гастрит морфологик кўриниши аниқланди. 71 та беморда энгил атрофиядан то оғир даража атрофиягача намоён бўлган гастрит кўриниши аниқланган. Улардан 21 тасида энгил секретор этишмовчилик билан энгил атрофик гастрит, 29 тасида ўртача атрофик гастрит ва 21 тасида оғир атрофик гастрит аниқланган.

Тўртинчи боб **«Гастрит касаллигида H.pylori CagA Epiya мотиви полиморфизмини ассоциацияси»** деб номланиб, бемор ва назорат гуруҳидаги соғлом инсонларнинг нажас таҳлилидан НР бактерияси ва CagA EPIYA мотивининг полиморфизмлари текширилган. Натижаларга кўра 40 нафар назорат гуруҳидаги инсонларнинг 29 тасида (73,5%), гастрит ташхиси қуйилган 130 нафар беморларнинг 114 тасида (88 %) нажасида НР мавжудлиги тасдиқланган (1-расм).



**1-расм. Гастрит ва соғлом инсонлар (назорат)да CagA генини учраши (%).**

Бактерия аниқланган намуналарда CagA ЕРІҲА мотивини полиморфизмлари бўйича генотипланди. Натижада назорат гуруҳидаги НР аниқланган 29 нафар беморларнинг 17 нафарида (58,4 %) CagA гени аниқланган бўлса, гастрит ташхиси қўйилган беморларнинг 91 нафарида (80 %) CagA гени аниқланган. Гастрит ташхиси қўйилган беморларда соғлом гуруҳга нисбатан CagA генининг учраши деярли 1,4 баробарга кўплиги тасдиқланди. Натижаларга кўра ЕРІҲА-АВ, АВС, АВСС, АВССС мотивларининг учраш частотаси гастрит беморларида назорат гуруҳидагиларга нисбатан тегишлича 1,4; 1,7; 2,7 ва 4 мартта юқорилиги аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**CagA гени ЕРІҲА мотиви полиморфизмларини учраш частотаси**

	Назорат, n= 17 (%)	Гастрит, n= 91 (%)	$\chi^2$	p-value	Нисбий хавф Relative risk		Эҳтимоллар нисбати Odds ratio	
					RR	95% CI:	OR	95% CI:
А ёки В (249, 280, 349 ж.н.)	54,8%	35,2%	8,1	0,002	0,78	0,6-0,9	0,4	0,2-0,7
АВ	28,7%	40,3%	2,9	0,04	1,1	1,0-1,3	1,6	1,0-3,0
АВС	17,8%	30,6%	4,3	0,01	1,2	1,0-1,4	2,0	1,0-4,1
АВСС	5,4%	14,7%	4,2	0,02	1,2	1,1-1,5	2,9	1,1-10,3
АВССС	2,7%	10,8%	4,3	0,01	1,3	1,1-1,5	4,2	1,1-27,8
$\geq 700$ - $\leq 1000$ ж.н.	0	13,5%	6,1	0,006	1,3	1,2-1,5	----	----

Изоҳ: фарқлар морфологик текширувга нисбатан аҳамиятли (\*p<0,05)

Беморларнинг 35,2 %ида ва назорат одамларнинг 54,8 %ида 249, 280, 349 жуфт нуклеотид ўлчамда бўлган фрагментлар ҳосил бўлган. Ушбу фрагментлар CagA ЕРІҲА-А ёки В мотиви бўлиши мумкин. Мазкур фрагментнинг ўзига эга штаммлар гастрит касаллигини келтириб чиқариш

эхтимоллиги йўқ яъни касалликнинг ривожланиши билан тескари пропорционал эканлиги маълум бўлди ( $\chi^2=8,1$ ;  $p<0,002$ ; RR: 0,78, OR: 0,4). Бизнинг тадқиқотимизда EPIYA-A, EPIYA-B мотивлари (249, 280, 249 ж.н.) гастрит касаллигини ривожланиш хавф омили эмаслиги статистик жиҳатдан тасдиқланди.

EPIYA-AB, ABC, ABCC, ABCCC мотивлари касалликнинг ривожланиш хавф даражаси билан статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди. Касалликнинг ривожланишида нисбий хавф даражаси 1,1- 1,3 гача эканлиги маълум бўлди. Касаллик чақиришининг эҳтимоллик нисбати 1,6-4,2 гача эканлиги тасдиқланди. EPIYA мотивида C нинг сонини ортиши билан эҳтимоллар нисбати ортиб борган. 91 та CagA аниқланган беморларнинг намуналаридан 13,5 % да 700-1000 жуфт нуклеотид оралиғида фрагментлар аниқланди. Назорат гуруҳида эса бундай фрагментлар аниқланмади. Балки бу C мотивининг кўп бўлиши билан боғлиқдир. Аниқланган барча EPIYA-C мотивлари назоратга нисбатан гастрит беморларида 2,9 мартта кўплиги (26%/77%) маълум бўлди. EPIYA-C мотивлари статистик таҳлил қилинганда касалликнинг ривожланишида хавф омили эканлиги тасдиқланди ( $\chi^2=18,9$ ;  $p<0,0001$ ). Касаллик ривожланиш хавфини 1,4 мартта ва касаллик пайдо бўлишини 3,6 мартта ортириши исботланди (2-жадвал).


## 2-жадвал

### EPIYA C мотивларининг учраши

	Назорат, n=17 (%)	Гастрит, n=91 (%)	$\chi^2$	p-value	Нисбий хавф Relative risk		Эҳтимоллар нисбати Odds ratio	
					RR	95% CI:	OR	95% CI:
EPIYA-C	4 (26%)	70(77%)	18,9	<0,0001	1,4	1,2-1,7	3,6	2,0-6,7

Изоҳ: фарқлар сезиларли ва суст атрофияга кўрсаткичларига нисбатан ишончли (\*- $p<0,05$ )

Биз яна СГ билан оғриган беморларнинг CagA EPIYA C мотивларини ташувчанлик даражасини ОШҚ морфологик суръатига боғлиқ ҳолда ўргандик (2-расм).



2-расм. CagA EPIYA мотиви бўйича сурункали ноатрофик ва атрофик гастритларни учраши (%).

Кузатув натижалари АВ мотивли учдан икки қисм беморларда СНГ картинаси аниқланишини кўрсатди. СаgА ЕРІҲА нинг С мотивларини ташувчиларда тескари ҳолат кўринди: беморларнинг учдан икки қисмида САГ кузатилди. Шундай қилиб, СаgА ЕРІҲА С мотивларини ташиш СГ билан оғриган беморларда ОШҚ да атрофик ўзгаришлар мавжудлиги билан тўғридан – тўғри пропорционал эканлигини таъкидлаш мумкин.

Бешинчи боб «**Динамикада рН метрия ва эрадикация кўрсаткичлари**» деб номланади. Эрадикацион терапия ўтказилгандан кейинги текширувлар шуни кўрсатдики (3-жадвал), аввал текширилганда ошқозонида гиперацид ҳолати (ошқозон бўшлиғида  $pH < 1,2$ ) ва НР тести ижобий бўлган СНГ билан оғриган беморларда, даволаш курси бошлангандан 10 кун ўтгач, назорат текширувида беморларнинг 90% да нормоацид ҳолат қайд этилди.

САГ билан оғриган беморлар гуруҳида фақат 62% беморда нормоацид ҳолат қайд этилди, рН ошқозон бўшлиғи, олд ва орқа деворида 1,2-2,0 атрофида бўлди. Қолган 38% беморда ошқозон рН кўрсаткичи гиперацид ҳолатни кўрсатди.

### 3-жадвал

#### СГ билан оғриган беморларда ошқозон ичи рН кўрсаткичлари динамикаси

Беморлар гуруҳи	Миқдори	8 ҳафтадан сўнг	
		pH > 1,2	pH < 1,2
Сурункали ноатрофик гастрит	59 (100%)	90%	10%
Сурункали атрофик гастрит	71 (100%)	62%	38%

Висмут препаратини қўшиш билан 10 кун давомида ўтказилган тўрт компонентли терапия СНГ ли беморлар гуруҳида НР га иккала тестлар бўйича ҳам яхши натижа кўрсатди (4-жадвал). Нафас тести бўйича 85% беморда эрадикацияга эришилди, буни эса қониқарли натижа деб баҳоласа бўлади.

### 4-жадвал


#### СГ В бор беморларда даволаш учун қўлланилган эрадикацион схемаларнинг қиёсий самарадорлиги

	ППИ+Амоксициллин+Кларитромицин+Висмут трикалий дицитрат (10 кун)	
	Беморлар сони	%
Сурункали гастрит	102	78,5%
Сурункали ноатрофик гастрит	50	85%
Сурункали атрофик гастрит	51	72%

Муваффақиятсиз эрадикацион терапия вариантларини таҳлил қилиш муайян мунтазамликни кўрсатди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, атрофия

бўлмаганда ва 1-2 даража ва босқичдаги OLGA тизими бўйича ОШҚ атрофияси бўлса ЭТ муваффақиятли бўлди. Бирок, ОШҚ да 3-4 босқич ва даражали атрофия мавжуд бўлганда, эрадикация кўрсаткичи 60%дан кам бўлган.


Кислотосупрессия кўрсаткичларини ўрганишда биз рН қиймати билан баҳоладик, ошқозон ичи рН нинг ижобий супрессияси рН > 1,2 бўлди. Кузатув натижалари кўрсатдики (3-расм), кислотосупрессия CagA EPIYA мотивларини ташишга қараб сезиларли фарқ қилади. Шундай қилиб CagA EPIYA АВ мотиви ташувчиси бўлган беморларда 86% даражада ижобий жавобни кузатдик. СНГ да 94% беморда, САГ да 65% беморда ижобий жавоб кузатилди. CagA EPIYA С мотивларини ташувчиси бўлган беморларда кислотосупрессия сезиларли даражада камроқ намоён бўлди. Бу гуруҳда 70% СГ бор беморларда ижобий жавоб кузатилди. СНГ билан оғриган беморларнинг 82%да супрессия қайд этилган, САГ билан касалланган беморларда эса ижобий жавоб фақат беморларнинг 58% да қайд этилган.



**3-расм. Сурункали гастрит бор беморларда CagA EPIYA мотивларига қараб кислотосупрессия кўрсаткичлари**


Биз НР инфекцияни эрадикацияси учун ўтказилган ЭТ натижаларида ҳам шунга ўхшаш суръатни кузатдик (4-расм). CagA EPIYA АВ мотивларини ташувчи СГ ли беморларда ЭТ самарадорлиги 86% ни ташкил қилди. Шу ўринда, СНГ билан оғриган беморларда эрадикация кўрсаткичи 94% ни, САГ беморларда эса 65% ни ташкил қилган. CagA EPIYA С мотивларини ташувчи беморларда ЭТ самарадорлиги 70% ни ташкил қилди. Шу ўринда, СНГ билан оғриган беморлар гуруҳида ЭТ самарадорлиги 82% ни, САГ беморлар гуруҳида эса 58% ни ташкил қилди.

Шундай қилиб, олинган натижалар шуни кўрсатадики, CagA EPIYA С мотивларини ташувчанлик кислотосупрессия кўрсаткичларини сезиларли пасайтиради, бу айниқса САГ бор беморларда сезилди. Худди шу тарзда CagA EPIYA С мотивларини ташувчанлик НР эрадикацияси натижаларини ҳам сезиларли пасайтиради, бу айниқса САГ бор беморларнинг когортасида сезиларли бўлди, бу ерда 70%дан паст кўрсаткич ЭТнинг самарасиз бўлганини кўрсатади.



**4-расм. Сурункали гастрит билан оғриган беморларда CagA EPIYA мотивларига қараб НР инфекция эрадикацияси кўрсаткичлари**

Шундан келиб чиққан ҳолда биз томондан САГ диагностикаси ва даволашни оптималлаштириш алгоритми ишлаб чиқилди (5-расм)



**5-расм. Сурункали атрофик гастрит диагностикаси ва даволаш алгоритми.**

## ХУЛОСАЛАР

1. Сурункали гастрит аниқланган беморларнинг фақат 45% да касалликнинг ноатрофик тури кузатилди. Қолган 55% беморларда сурункали гастритнинг OLGA ва OLGA M критерийлари бўйича ошқозоннинг шиллик қаватида I дан IV даражасигача атрофик жараёнлар борлиги қайд этилди, бу эса касалликнинг кеч ташхиси муаммосини кўрсатади.

2. Сурункали ноатрофик гастрит билан оғриган беморларнинг 67% да ва сурункали атрофик гастрит билан оғриган беморларнинг 85% да НР инфекциянинг патоген CagA + штамлари мавжудлиги аниқланган, бу ген мутацияси гастрит патогенезида ошқозон шиллик қаватида атрофик жараёнларни юзага келтирувчи хавф омиллари ичида катта аҳамиятга эга бўлган агрессив штамм эканлигини кўрсатади.

3. НР инфекциясининг CagA EPIYA турли мотивларининг мавжудлиги сурункали гастритлар патогенезида триггер ҳисобланади: CagA EPIYA нинг АВ мотивларини мавжудлиги сурункали ноатрофик гастрит маркери, CagA EPIYA C мотивларини бўлиши эса атрофик гастритлар маркери ҳисобланади.

4. Ўзбекистон ҳудудида НР инфекциясининг CagA EPIYA C мотивларининг сурункали атрофик гастрит билан юқори (87%гача) ассоциацияси мавжуд бўлиб, бу оилавий ошқозон саратони сонининг кўп бўлиши сабабларидан бири бўлиши мумкин.

5. CagA EPIYA нинг C мотивлари атрофик гастрит билан боғланган бўлса, кислотосупрессия самарадорлиги (38%) ва шунга мос равишда эрадикацион терапия самарадорлиги (72%) сезиларли даражада камаяди, бу Маастрихт V - VI консенсуслари ва Киото протоколлари бўйича қониқарсиз натижа ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ТЕРАПИИ И  
МЕДИЦИНСКОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ**

**КАРИМОВА ДИЛДОРА КАМИЛОВНА**

**МОЛЕКУЛЯРНО – ГЕНЕТИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ  
АТРОФИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В СЛИЗИСТОЙ ОБОЛОЧКИ  
ЖЕЛУДКА ПРИ ХРОНИЧЕСКИХ ГАСТРИТАХ**

**14.00.05 – Внутренние болезни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ - 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/Tib1653.**

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре терапии и медицинской реабилитации.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Собирова Гузал Наимовна**  
доктор медицинских наук

**Официальные оппоненты:**

**Хамраев Абдор Асрарович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Гильдиева Маргарита Сабировна**  
доктор биологических наук

**Ведущая организация:**

**Ташкентский педиатрический  
медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № \_\_\_\_). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 год.

(Протокол рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года)

**А.Г. Гадаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.А. Набиева**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**А.Л. Аляви**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Современная медицинская наука, в том числе и гастроэнтерология совершенствуется путем создания международных протоколов диагностики лечения различных заболеваний. В отношении хронических гастритов и *Helicobacter pylori* (HP) - ассоциированных заболеваний желудочно – кишечного тракта (ЖКТ) это регулируется согласно Маастрихтским консенсусам (2005- 2022) и Киотским протоколам (2015). По ключевому определению этих согласительных документов, в частности VI Маастрихтским протоколам (2022 г.) инфекция HP является основным этиологическим фактором как язвенной болезни желудка (ЯБЖ), язвенной болезни двенадцатиперстной кишки (ЯБДПК) и подавляющего процента хронического гастрита (ХГ), также и некардиального рака желудка. Для Центрально азиатского региона, в частности для Узбекистана данная проблема крайне актуальна по ряду объективных причин. Во первых наша республика относится к регионам с высокой степенью инфицированности населения HP инфекцией (до 70% населения). Во вторых согласно данным El-Omar Gut. (2001) Pandolfino (2004) в восточной популяции по сравнению с Европейскими и Американскими популяциями в силу распространённости Cag (cytotoxin associated gene) положительных штаммов HP имеется высокая предрасположенность в формирования аденокарциномы желудка.

В мире проводится ряд научных исследований по анализу молекулярно-генетических механизмов развития атрофических процессов в слизистой оболочке желудка, совершенствованию способов ранней диагностики и эффективных методов лечения. Исследования различных ученых показали, что одним из перспективных путей решения проблемы СГ, связанной с HP, является выявление наиболее важных генетических маркеров HP, являющихся триггером каскада атрофических, мета- и диспластических факторов в слизистой оболочке желудка. Однако эта проблема еще не до конца изучена и в литературе ведутся различные дискуссии. Итоговые документы Маастрихта VI показывают, что без использования генетических и эпигенетических маркеров для оценки риска рака желудка и его развития сегодня невозможно дать четкие рекомендации, и эта проблема требует дальнейших исследований. Поэтому в патогенезе канцерогенеза заболеваний, связанных с HP, особое значение приобретает дальнейшее изучение генетического полиморфизма HP, оценка формирования атрофических изменений в желудке, разработка критериев ранней диагностики и совершенствование методов их лечения.

В настоящее время в нашей республике особое значение придается развитию медицинской сферы, ее адаптации к требованиям мировых стандартов, поставлен ряд задач по диагностике, профилактике и лечению различных соматических заболеваний. На развитие отрасли в медицине нашей страны возложен ряд задач, адаптация медицинской системы к требованиям мировых стандартов, диагностика, профилактика и лечение различных соматических заболеваний. «...Были поставлены задачи повышения

эффективности, качества и популярности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также внедрения высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, поддержки здорового образа жизни путем создания патронажной службы и профилактики и эффективной диагностики заболеваний...»<sup>1</sup>. Исходя из этого, помимо поднятия уровня медицинской помощи населению на новый уровень, разработка принципов выявления и лечения НР-ассоциированных заболеваний ЖКТ, в том числе хронических гастритов, позволяет пациентам улучшить качество жизни, снизить частоту ранней инвалидности и смерти.

Настоящее диссертационное научное исследование направлено на решение задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года. В определенной степени данное диссертационное исследование послужит для реализации задач, обозначенных Постановлением Президента от 25 мая 2021 года – № ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» и другими нормативными правовыми актами, связанными с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан VI. «Медицина и фармакология».

